
#Ислоҳотлар_самараси

□Бешариқ туманида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик суви ва электр энергияси таъминоти, ижтимоий соҳа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудларда салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан айти қарор ижроси доирасида тумандаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида бир дона сув минораси ўрнатилди. Айти кунда 4,8 километр ичимлик суви тармоқ тортиш ишлари якунига етказилмоқда.

Пудратчи ташкилот “MUXAMMAD UMAR BUILDING” МЧЖ сувсозлари томонидан амалга оширилган ободлик ишлари маҳалланинг янгича қиёфа касб этиши ва аҳолига қулайлик яратилиб, кўп йиллик муаммоларининг ҳал этилишига сабаб бўлди.

2023-05-13 11:49:50